



Тарихдан маълумки, тасаввуф бизнинг адабиётимиз, санъатимиз ва мусикамиз тараккиётига алоҳида таъсир ўтказган таълимотдир. Шунингдек, тасаввуфнинг шахс тарбияси ва камолоти жабхасидаги хизматлари ҳам кўп жихатдан ибратли эрур. Покистоннинг файласуф шоири Муҳаммад Икбол таъкидлаганидек. “Ихлосли ва хақиқий мохиятга эга бир жараён бўлган тасаввуф муассасасининг юзага чиқиши, ҳеч шубҳа йўқки, муслмонликда диний тажрибанинг такомилли ва тўғри тараккий топишида муҳим омил бўлган”. Шу боисдан ҳам “мутасаввифларнинг метафизик қарашлари бизнинг тушунча ҳаётимизда янгилик ва юксалиш манбаи эканлиги эътибори ила бағоят фойдалидирки, уларни ўзимизнинг қарашларимиз билан муқояса қилиб яхши натижаларга эришишимиз мумкин” .

Дарҳақиқат, тасаввуф ахлининг ташқи дунё билан ички дунёни ажратмаслик, ахлоқ, қалб ва рух тарбияси орқали инсонда қудратли бирлик туйғусини яратиш тажрибалари ҳамма замонлар учун ибратли.

Тасаввуф ва тариқатлар тарихига чуқурроқ назар ташланса, тасаввуфнинг бошқа дин ва ҳар турли ноқис фалсафий оқимлар таъсиридан холи, соғлом ва илғор фикрларга тўла таянган даври - илк сўфийлар даври эканлиги равшанлашади. Араб олими Абдуқодир Маҳмудга кўра бутун тарих мобайнида юзага чиққан тасаввуфий ҳаракатлар учга ажралади:

1. Салафий тасаввуф. 2. Сунний тасаввуф. 3. Фалсафий тасаввуф.

Салафий тасаввуф Мукотил б. Сулаймон (вафоти 150/767) билан бошланиб, Имом Малик (вафоти 179/795) томонидан юқори чўққисига кўтарилган. Сунний тасаввуф аҳли байт ва Жаъфар Содик (а. 148/765) воситасида юзага чиққан. Хорис Мухосибий (в. 243/857) ва Жунайд Бағдодий (в. 297/909) ила шаклланган. Имом Газзолий (в. 505/1111) уни такомилга эриштирган. Гарб фалсафаси ва шиъа - ботиний қарашларга ўрин берган фалсафий тасаввуфнинг тугилиши ва раванки Сухравардий Мактул (в. 587/1191), Ибн Арабий каби мутасаввиф ҳамда олимларнинг номлари билан боғлиқ. Бу ҳаракатлар, ҳеч шубҳасизки, бир-биридан фарқланадиган, айна пайтда бир-бирини инкор айлайдиган нуқтаи назар ва тушунчаларга ҳам эрк берган. Натижада тасаввуф ва тариқатлар фикрий ихтилоф, амалий инкор ва нуфуз талашувлар майдонига айланган. Сунний тасаввуфга қарши шиддатли қураш авж олдирилган. Сунний тасаввуф тарихи ва ҳақиқатлари муқамал бир тарзда ёритилган “Таъарруф” китобининг муаллифи Қалобозий ёзади: “Нихоят тасаввуфдан маъно кетди, исм қолди. Ҳақиқат пинҳон бўлди, шакл зохирга чиқди... Тасаввуфни қабул қилганликларини тилларида иқроқ этганлар, ҳулқ-атворлари ва амаллари билан бу йўлни инкор этдилар. Тасаввуфни ҳалққа тушинтириш ҳолатидагилар бу йўлнинг хақиқий мохиятини яшириб, тасаввуфга алоқаси йўқ нарсаларни тасаввуфга қиритдилар ва унга нисбат бердилар. Шу тарзда бу йўлдаги

хак нарса ботил ўларок кўрсатилди...”.

Бундай шароитда тасаввуф тўғрисида холис сўзлаш, унинг хакикатларини асл холида халкка тушунтириш ёки тарғиб қилиш албатта мумкин эмас. Оқибатда тасаввуфга нисбатан нафрат уйғонди. Лекин ҳеч қандай душманлик ва гаразли ҳаракатлар моҳияти соф, хакикатлари инсон камолотига қаратилган тасаввуф ҳаракатини тўхтата олмади. Санъат, шеърят, мусика тасаввуфга қанот бағишлади.

Шуни унутмаслик керакки, тасаввуф қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик зиддиятли, баъзан оқ билан қорани ажратишга унча имкон бермайдиган бир таълимотдир. Шу боис баъзилар уни қашфу қаромат сотиш деб англашса, айримлар аҳвол ва мураккаб билан чекланувчи бир “илм” деб билишган. Бир қисм одамларнинг тасавурида тасаввуф қандайдир хусусий одат ва тақлид иши бўлса, бошқа бировлар унга тараккиёт учун зарарли ва жамият ҳаётидан узоклашувга қорловчи узлатпарастлик деб қарашган. Тасаввуф деганда сир ва гайб олами билан алоқани англоқчилар ҳам қам бўлмаган. Маълум бир гуруҳ қишилар эса ваҳдати вужуд ва ваҳдати шухуд назариялари билан фалсафий рангга бўянган тушунчаларни қабул қилиб, қинакам тасаввуф ана шудир, деган қатъий ҳулосада туриб олишган. Холбуки, қинакам тасаввуф, Шарқнинг қўп буюқ санъатқорлари қатори Алишер Навоийнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига қаратган тасаввуф муқлақ бошқадир. У ишқ, маърифат, руҳоният тасаввуфи, том маъноси ила қомиллик тариқидир.

Айрим тасаввуфшунослар сўфийликни ўқ жабҳада тадқиқ этишни тавсия қилишган. Шулардан бири - таассурий-руҳий тасаввуф. Бу ишқ ва жазбага таяниш тажрибаси бўлиб, алоҳида нуфузга эга. Чунки шайтон ҳам бир қамонлар солиқ бўлган, бироқ ҳеч вақт муҳаббат ва ишқ ҳиссийетларига соҳиб бўлмаган экан. Демак, жазба ила ёниб ишқ асирига айланганда у йўлдан озиб, абадий лаънатга ўқрамасди. Зеро, ич туйғулари ишқдан бегона солиқнинг йўли қамиша таҳликали. Тасаввуфнинг энг қатта ҳизмати ҳам ишқни инсон ҳаётининг туб асоси ва руҳониятининг нури деб эътироф этганлиқидир. Алишер Навоийга қўра ҳам ағар қўнғилда ишқ оташи ёнмаса, қофирлик билан муқулмонликда фарқ қолмайди. Ишқ бўлмаса, муқулмонлик ҳам, зуҳду тақво ҳам қуруқ даъводир:

Хуллас, ишқ ва қомиллик моҳияти тасаввуфдан четга сурилди дейлик. Тасаввуф Навоий ўқун тириқлик, гўзаллик, боқийлик руҳини бой берарди. Тасаввуф этинги, тасаввуфда маърифат ва тафаккур қавқи бўлмаган. Навоий бундай тасаввуфга яқин ҳам бормаган бўларди. Инсон руҳининг сир-асрорларини қашф қилишда Навоий тасаввуфдан қўп нарса ўрганган. Бу хакиқатга тўла иқрор бўлиш ўқун, ҳеч бўлмаганда. Навоий ўқиган тасаввуфга доир илмий, тарихий, адабий манбаларнинг маълум бир қисми билан топишмоқ лозим.

“Хамсат ул-муқаййирин” хотимасида Навоий ўстози Абдурахмон Жомий ҳизматида “таълим ва истиқода” юзидан ўқиган ўндан зиёд қитоб рўйхатини қелтирадики, уларнинг ақсарияти тасаввуф ҳақида. Булар: “суфия машойих истилоҳила битилган” “Лавоё” ва “Лавоё”, “Шарҳи рубоё”, “Нафохот ул-унс”, Хожа Муҳаммад Порсонинг “Қудсия”си, Хожа Абдуллох Ансорийнинг “Илохийнома”си ва б. Қана ўша хотимадан бир парча: “Яна ҳазрати шайх-ул машойих фахр ул-миллатвад-дин Ироқийнинг “Ламаот”идурқим, Қазрати Маҳдум ул қитобни бу фақирга сабак айтурда айтур эрдиларқим, “Бу қитобни нодон ва беандом тавриқ ва номахвор равишлиқ элининг қўпроқ машғуллик қилғони ҳавос ақлида бадном қилғон эрмишқим, баъзи ўқимас эрмишлар. Бу жихатдин бу қитобнинг хўблуклари яшурун қолғон эрмиш”. Асру изқор

хушхоллик ва сурур килурлар эрди, шарх битмагига доги бу боис бўлди”. Шунингдек, Навоий Хужвирий, Имом Кушайрий, Сухравардий, Имом Газзолий, Ибн Арабий каби ислом алломаларининг асарларини ҳам пухта билган. Навоийнинг тасаввуф билан алоқасини белгилашда бундай фактларга жиддий караш керак. Навоийшуносликда худди шу жихат етарли даражада инобатга олинганича йўқ.

Навоий ижодиётининг тасаввуф билан боғлиқлигини исботлашга ташкаридан “далил” ахтаришга эҳтиёж йўқ: улар шоир ижодиётининг ўзида мавжуд.

Маълумки, Вакт – бу ортда колган ўтмиш елдай илгарилаётган замон ва хар турли орзу-умидлар ила олдинга чорлайдиган келажак. Давр, замон ва тарих Вактнинг энг катта ўлчамларидир. Лахзалар соатларга, соатлар кунларга, кунлар ой ва йилларга айланаркан, уларнинг харакат тарзида тўхташ эмас, эврилиш хосил бўлади. Лахза мазмуни ва кучини англай олмаган, умр лахзалари ходиса даражасига юксалишини билмаган инсон хеч пайт соат, кун ёки йил зиёси ила кўнгилни мунаввар эта олмайди. Зеро, Вакт мазмуни ва сири ташки бирликда эмас, Шахснинг рухи ва дилида яширинган. Вакт туйғуси, вакт маърифати – барча маърифат ва самовий туйғуларнинг тамали эрур. Инсон умри Вактнинг бир кисми ва парчаси. Вакт аслида ибтидо ва интихоси номаълум сўнгсизлик демек. Дунёдаги деярли барча мавжудлик шу сўнгсизликка тобе, унинг муросасиз хукмига таслим. Чукуррок мушоҳада этилса, вакт чегараси, вакт бирлиги, вакт мезони деган тушунчалар хеч пайт одамга тўла-тўқис кувонч бермайди. Вакт учкурлиги ва тасарруфи хақида ўйлар экан, хатто энг калтафахм кимса калбида ҳам бир махзунлик пайдо бўлади. У истасин, истамасин, шахсий хаёт маънисини галат англаганлигидан, ички ёлгон ва такаббурлигидан, зохирпарастлик ва тафаккур махдудлигидан, албатта, хижолат чекади. Ўзликни идрок килиш ва ўзлик тўғрисидаги нотўғри карашлардан кутилиш кўпинча ана шундан бошланади. Такдирдан шафкат ва мурувват тилаш мумкин. Бирок Вактдан шафкат ва мурувват тилаб бўлмайди. Шарк алломалари Вактни кескир киличга ўхшатишган. Бу “килич”дан ўзингизни канча кўпрок мухофаза этсангиз, акл тахликага ўшанча ортиқрок ён беради, риё, кўркув ва мунофиклик боткогига ботиш хавфи ўшанча кучаяди. Ва булар охир-окибатда калб таназзулига сабаб бўлади.

Вактга факат маънавий-рухий харакат ва маърифий фаолият ила юзлашиш лозим. Хуллас, Вакт олдидаги масъуллик у билан алоқа ўрнатишнинг ўзига хос “маком”ларини эгаллашни талаб килади. Шу маънода тасаввуф ахлининг фикр-карашлари ва хаётий тажрибалари жуда ибратли. Ибратлиси шундаки, улар вактнинг энг “кичик” бирлиги хисобланмиш дам ва лахзанинг мазмунига алоҳида ахамият бергандирлар. Шаркнинг кўп буюк санъаткорлари сингари Алишер Навоийнинг Вактга доир карашлари, муносабат тарзи ва ундан кўзда тутган максадлари ҳам тасаввуф маслаги билан чукур алоқадордир.

Абул Мухсин Мухаммад Бокир асарида Хазрати Бахоуддин Накшбанднинг шундай фикрлари келтирилган: “Нафасни зое кетишга йўл кўйманг ва бундан эҳтиёт бўлинг: “Ман зайиъа вақтаху фа вақтаху мактун” – “Ким вактни зое килса, бас, у вакт душманидур”. Ва уни идрок килишга интилиш лозим. Айтдиларки, хар ким ўз вақтидаги вазифасини адо килиш билан машгул бўлса, уни “сохибъул вакт” – “вакт сохиби” дейдилар... Бу вакт сохиби вактнинг тасарруфидан кутулган, балки уни ўз тасарруфига олган бўлади, яъни хар бир вактни энг мухим ва авло холга сарф этади. Уни “Абъул вакт солик” - “Вакт отаси бўлган солик”, дейдилар. “Ибнуъл вакт” – “Вакт ўгли” шундай соликки, хол унга хужм ва горат килувчи тарзда рўй беради ва тасарруфи билан соликни

холатдан узоклаштиради, ўз хукми остида бўйсундиради”.

Тасаввуф нукаи назарида нафас уч маънони англатади: 1. Тирикликни таъминловчи нафас, яъни хаво; 2. Дам, фурсат, лахза; 3. Муршиддан етадиган файз ва ишк ўтида ёнган калбнинг фарахланиши. “Рисолаи Кушайрий” муаллифининг таърифлашича, нафас сохиби хол сохибидан кўра нозиктаъб ва кўп покизадир. Вакт эса васл сохибларига, хол рух сохибларига, нафас эса сир сохибларига хосдир. Демак, калб сохиблари вақтга, рух сохиблари холларига, сир сохиблари нафасга локайд бўлишлари мумкин эмас. Навоийнинг Вакт, Хол ва Нафас бахсидаги анча-мунча фикр-туйгулари мана шу уч асосга таянади. Тасаввуфда Вакт – ўтмиш (мозий) билан келажак (мустакбал) ўртасидаги замон бирлиги ҳисобланади. Бу ҳақида Алишер Навоий “Махбуб ул-кулуб”да ёзади: “Ўтган рўзгор адамдур. Келмагандин сўз айткон ахли надамдур (пушаймон ва афсус этувчилар) ва хол мугтанамдур (ганиматдур). Бир турк бу маънида дебдурким: “Дам бу дамдур”.

Байт:

Мозию мустакбал ахволин такаллум айла кам,  
Не учунким, дам бу дамдур, бу дамдур, бу дам”.

Навоий “бир турк” деганда кимни назарда тутган – буни аниқ айтиш кийин. Лекин ўша турк Нажмиддин Кубронинг “Фавоихъ ул-жамол” номли рисоласидаги мана бу фикрлардан хабардор бўлган бўлиши керак: «Вакт кескир бир киличдир. Агар кескир бўлмасайди, англаб, идрок этиб улгургунигча сени кутарди. Холбуки, у кескир бир килич харакати ила хукмини адо айлар. Сўфий “Ибнуъл вақт” эрур. У кечмишга ҳам, келажакка ҳам бокмас. Чунки унинг мозий ёки мастакбалга кўз тикиши, айна дамдаги вақтини беҳудага сарф килиши демакдир..”. Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, айна дамдаги вақтини беҳуда сарф қилмаган киши ўтмишга кул бўлиб қолмаганидек, келажакдан ҳам бир хатар сезмайди. Шу боис Алишер Навоийнинг лирик қахрамони Вакт ҳақиқати ва шодликларини мозий ва келажакдан эмас, хассос ва нурли ирфоний маънилар калбдан бош кўтарган “лахза”, “нафас”, “фурсат” ва “дам”лардан ахтаради. Унда хатто “харобот” орзуси ҳам “лахза” кайфияти ва хукмига тобедур:

Кел бир дам, эй хариф, харобот сориқим,  
Май важхидир бу хирка била жилсонимиз.

Навоий вақтнинг энг кичик бирлиги – “дам”, “лахза”, “фурсат”ларга шу даражада катта мазмун багишлайдики, давр ва замоннинг ранжу кийноқларидан ўзни муҳофаза қилишда “Дам бу дамдур” тушунчаси гўё дахлсиз бир қалқон сифатида кўзга ташланади:

Десаңг замона ситезини хар замон кўрмай,  
Замонни хуш туту қилма замона бирла ситез.

Кейинги сатрдаги “замонни хуш тут” – ўтаётган хар дами хуш кечир, хар лахзанинг шукронаси билан яша, мазмунини ифодалайди. Зеро, ирфоний ҳаёт - илохий файз ва илхом ҳадя этилажак ҳаётдурки, уни ганимат тутмоқ керак:

Бу дами тут ганиматким, келур дамдин асар йўқтур,  
Не дамким ўтти, худ андин киши топмас нишон харгиз.

Албатта умрнинг лахзасини ганимат сезиб хуш ўтказиш – бу донолик ва донишмандликнинг асосий хусусиятларидан эрур. Умуман олганда, ушбу хусусият ва фазилат халқимиз дунёкараши учун хос бўлган. “Алпомиш” достонидаги қуйидаги сўзлар бунинг бир далили бўлмоғи мумкин:

Дам бу дамдур, ўзга дами дам дема,  
Бошинг эсон давлатингни кам дема.

Дархакикат, инсоннинг боши омон, кўнгли хотиржам экан – бундан ортик давлат, бундан зиёд саодат йўқ. Хар нафаси, бехуда ўтмаган хар дами учун у Оллоҳга хар канча шукрона айтса арзийди. Лекин “Дам бу дамдур” хакикати тасаввуфда нисбатан бошқача ва теранрок мазмунга эга. Шунинг учун ҳам Навоий шеърларида бу хакикатга кайта-кайта тўхталади ва уни гоҳ ахлокий, гоҳ ишқий, гоҳ ирфоний-фалсафий охангларда талкин қилиб беради. “Гаройиб ус-сигар” девонидаги газаллардан биридаги мана бу мисраларда нафас олинаётган хар бир дамдан гофил қолмаслик орифликнинг талаби ўларок таъкидланган:

Чу мозий ўттию мустакбал ўртада эрмас,  
Сенгаки хол эмас мугтанам не хол ўлгай.

Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жохил иши,  
Етишмагангаву ўтганга килу қол қўлгай.

Яъни: мозий ўтди. Келажак хали илгариди. Айни фурсатдаги холингни ганимат билмасанг, бу қандай хол бўлади? Агар ориф эрсанг хар бир лахза ва нафасингни яхши кадрла, яхши ўтказ. Етиб келмагану ўтиб кетган хақида сўзлаш жохилнинг ишидир. Маърифат ахлининг умумий иқрорига кўра рухни уч нарса доимий равишда қучсиэлангириб гусса ва мусибатга гирифтор этар экан: 1. Мозийпарастлик ҳасрати. 2. Холда жараён этувчи шубҳалар. 3. Келажакка ишончсиз қараш ёки ундан қўркиб эҳтиётда яшаш.

Албатта, инсон ўтмишдан ажралиб ёки қечган қунларини унутиб умр ўтказа олмайди. Зеро, мозий билан боғланиш ўтмишдаги воқеа-ҳодисотларни билиш, улардан у ёки бу маънода сабоқ олиш ақл ва хотира талаби эрур. Бирок ўтган даврга муносабат ва тарихий ҳиссиёт чуқур илм, кенг мушоҳада ва маърифат зиёсидан юзага келиши лозим. Акс тарзда ўтмиш инсоннинг фикрий эринлиги, шахсий камолотиғагина эмас, балки умум тараккиётга ҳам зарар етказмоғи мумкин. Энди ахли хақиқат қарашларига қелсақ, улар меъёрдан ошган, қерақсиз ҳаёл, бесамақ орзуга айланган мозий ва мустакбал андишасини Оллоҳ билан ориф алоқасига бир хижоб деб ҳисоблашишган. Бу парда барҳам топмас экан, на қалб, на руҳ самовий парвози ва саёҳатида олий мақомларга юксала олмаганидек, ишқ ва хақиқат завқ-шавқларини ҳам тўлиқ эгаллаш олмайди. Жалолиддин Румий Ҳазратлари “Мозий ва мустакбал Оллоҳдан хижобдур, пардадур”, - деганларида масаланинг худди шу томонини эътиборда тутганлар.

Демак, дам ва фурсатнинг сири, маъноси, қудратини қашф қилмоқ учун хол ҳусусида қайгуриш, холнинг туб моҳиятини пухта билиш зарурдир. Алишер Навоий шеъроятининг ботиний оламига қириш ва сўз билан ифодалаш қийин бўлган маъноларини ўзлаштиришнинг жуда нозик ва муҳим нуқталаридан бири ҳам мана шудир.

Навоий факат лирик шеърларида эмас, қостонларида ҳам инсон тақдири ва камолотиға даҳлдор бир қанча мураккаб муаммоларни ҳал қилишда хол, нафас, лахза “фалсафа”сига асосланади. Улуғ мутафаккир “Ҳайрат ул-аброр” қостонининг ўн сакқизинчи мақолотида инсон умрининг фанолиги, у тугиларқан албатта бу дунёни бир қун тарқ айлаши, бас шундай экан, ўлимни ўйлаб мотамға берилмасдан, ҳаётини ишқ ила, фойдали иш ила шод ўтқизишини таъқидлаб яна ёзади:

Умрки қориж дурур ўтган иши,  
Хар неки ўтти анга етмас қиши.  
Қелмаганидин доғи оқил демас,  
Не десун ул ишники, маълум эмас...

Мозию мустакбалинга бўйла хол,  
Холинга хам неча хаёли махол.  
Холки бўлди санга бир он бас,  
Анда не гамгинлик этарсен хавас.

Таъбир жоиз бўлса, бу хикматли мисраларда инсон онгини покловчи, яъни онг ва идрокни кераксиз “юк”дан фориг этувчи бир кувват бордир. Ўтган иш – ўтди, у такрорланмайди. Бўладиган иш – хали олдинда. Буни муаммога айлантириб, олдиндан ташвишга чўмишга хожат йўк. Мухими, кечаётган фурсатни бой бермаслик, айти шу вақт, шу дам талабларини бажаришда чалгимаслик. Хол маърифати инсонни шунга чорлайди. Шу маърифатни эгаллаган шахс беҳуда азобга берилмайди, бесамар машмашаларга бош кўшмайди.

Холини у латифлаштирганидек, хол уни озод айлайди. У табиий равишда хар нафасини кадрлайди, хар нафаси учун жавобгарликни хотирдан чиқармайди. Ва Навоийнинг:

Хар нафасинг жавҳари эрур нафис,  
Ким сенга ул бир нафас эрур анис, -

Деган сўзлари шундай зотларга тегишли. Ушбу фикр-мулохазаларини ифодалаганда ҳеч шубҳасизки, Навоий ўзи мансуб накшбандийлик тарикатининг асосий шартларидан бири – “Хуш дар дам”га хам таянган. Хуш – ақл, дам – нафас. Накшбандийликда нафас назорати ва мазмунига алоҳида аҳамият берилган. Чунки нафасларни назорат қилиш дунё ишларида адашмаслик учун хам, ҳақ тажаллилари учун хам ниҳоятда зарур. Бу ҳақида “Хайрат ул-аброр”да Навоий ёзади:

Хар нафасинг холидин огоҳ бўл,  
Балки анга хуш ила ҳамроҳ бўл...  
Гафлат агар бўлса бу ишдин, даме,  
Ким йўк анингдек кишига мотаме.

Биз огоҳлик ҳақида кўп гапирамиз. Лекин инсонни ёвузлик ва жаҳолатдан муҳофаза этувчи ҳақиқий огоҳлик “хар нафас” холидан огоҳлик эканлигига унча эътибор қилмайдимиз. Холбуки, Навоий қаҳр, газаб ва жохилликлардан покланган, илохий сифат ила сифатланган хол ва нафасни:

Бас муни анфоси муқаддас дегил,  
Балки муқаддас дема, ақдас дегил, -  
дейди.

Навоийнинг “нафас” хусусидаги фикрлари бир-биридан мазмунли ва рангдор. Шу жиҳатдан мана бу байт алоҳида диққатга молик:

Эй Масихим, мен катили ишкмен, тургуз мени,  
Бир нафас, дедим қабул этким, нафаснинг жони бор.

Бу байтда ишқ дардидан ҳалок бўлган ошиқ маъшуқасини Ҳазрати Исо ила тенг кўриб, мени ўз нафасинг ила турғизгил, дея илтижо этаётир. Аммо у тилаётган умр муддати унча кўп эмас, бор-йўги – “бир нафас”. Шу бир нафаснинг мислсиз куввати ва файзига у ишонади.

Хужвирийнинг ёзишича, “тавҳид ахлининг вақтлари иккидур. Бири фақат фоко (мухтожлик) холида, иккинчиси вақд холида. Буларнинг бири васл маҳалидаги вақт, икинчиси фирок ва хижрон маҳалидаги вақт”. Навоий лирик қаҳрамони орзу айлаётган “бир нафас” эса висолга дахлдор вақтдир. Хўш, “нафаснинг жони бор” деган фикрда қанақа маъно ёки мақсад яширинган? Ёрни ишонтариш учун айтилган бу гап муршидга тегишли. Буни Мухаммад Фузулий шундай шарҳлайди: “Билки, инсон борлигининг қамоли

икки вужуддан иборатдур. Инсоннинг нафсини у икки кайфият камол нашъасига тўғри етказур. Аввалгиси зохирий вужуд. Унинг мабдаи атодур. Иккинчиси маънавий вужуддирки, унинг маншайи йўл сохиби бўлмиш муршиднинг хидоятидир. Комил бўлмок даражаси кейингисига боғли эканлигидан муршид атодан мукаддамдир.

Китъа (арабчадан таржима):

Илм бир рухдурки, муршид ўз нафасин файзидан

Талаб ахлининг ўлик баданларига еткизар.

Талаб ахлининг хаёти муршиднинг нафаси файзидандур,

Шунга кўра дерларки: “Нафасни жони бордур”.

Демак, Навоий байтида талкин этилган тириклик кувватининг бир каноти ишк бўлса, иккинчи каноти маърифат.

“Кашф ул-махжуб”да шундай сўзлар битилган: “Вужуд учун рух нима бўлса, вақт учун ҳам хол худди шудир. Вақт мутлако холга мухтож эрур. Чунки вақтнинг сафоси хол ила бўлур. . . Хол вақтга бирлашгач, бутун замонлар вақтга айланур. Унинг учун завола жоиз бўлмас”.

Тасаввуфга доир қадимий манбаларда қайд этилишича, Мухаммад алайхиссалом пайгамбарлик мартабасига етишганларидан сўнг ҳар маком сохиби учун бир хол пайдо бўлган. Хол нима? Абу Наср Саррож ҳолни “лаҳзада тугилиб, қалбда ризо, тафиз ва шунга ўхшаш сифатларни барқарорлаштирадиган аҳволдир”, дейди. Нажмиддин Кубро хол, маком, вақт ва улар орасидаги фарқдан сўзлаб, жумладан бундай деб ёзадилар: “... инсондаги қуч-қувват ва тоқат мол ҳамда хол ила юзага келур. Хол шахват, ёки рухнинг қуввати эрур. Мол эса фақат нафс ва шахватни тақвия этувчи бир нарсадир. Табиат эътибори билан Хол жуда қувватли бар қуч ва тоқатдир».

Шу учун рух ва юракнинг мушоҳада қуввати ва қувончини акс эттирувчи хол Навоий наздида ҳам энг яхши амалдан-да устун ва шарафли саналган. Чунки кўнгли зариф, руҳи латиф, ахлоқи гўзал, маънавий хаёти жўшқин хол сохиблари ишк ва ҳақиқатнинг юксак чўккиларини эгаллашга мушарраф бўлишган. Улардан бир қисми ҳолига маҳкум – талвин эгалари, яна бошқа тоифалари ҳолига ҳоким – тамкин сохиблари саналган. Талвин сохибларининг ҳоллари шундай гаройиб, ўзгарувчан, хилма-хил маънавий-руҳий ва психологик ходисаки, буни сўзда таърифлаш ёки ифодалашнинг сира иложи йўқ. Навоий тасавурида Хол ва Вақт ҳиссий идрок ва завқий мушоҳаданинг бир меърожи эди. Ана шунинг учун улуг шоир шеъряттидаги кўпдан-кўп фикр ва туйғулар бевосита Хол даражалари (хавф, ражо, ҳузун, истикомат, сидқ, хаё ва ҳоказо) ва уларни навбатма-навбат эгаллаш натажаси ўларок талкин қилингандир.

Иброҳим Ҳаққул